Адл ила олам юзин обод қил

# Кучадолатда

2022 йил
22 апрель,
жума
№ 18 (896)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ҚАШҚАДАРЁ: ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 21 апрель куни Қашқадарё вилоятига келди.***

Ташрифдаги биринчи манзил Кўкдала тумани бўлди. Бу маъмурий бирликни ташкил этиш ғояси Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастуридан ўрин олган эди. Олий Мажлис Сенатининг шу йил 17 мартдаги қарорига мувофиқ, аҳолига қулайликлар яратиш ҳамда урбанизация жараёнларини тартибга солиш мақсадида Чироқчи туманининг бир қисмида Кўкдала тумани ташкил этилди.

Президент ташрифи арафасида ушбу янги туманда "Чироқчи кластер" масъулияти чекланган жамиятининг тикувчилик корхонаси ишга туширилди. Унинг биноси енгил конструкциялардан қурилган. 500 нафарга яқин маҳаллий хотин-қизлар ва ёшлар иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

— Кўряпсизлар, аёллар бўйича қанча қарорлар қабул қиляпмиз, ташкилий чоралар кўряпмиз. Бунинг замиридаги мақсад — сизларнинг қувончингизни кўриш. Бир аёлни, бир қизимни иш билан таъминласак, унинг кайфияти бутун хонадонга таъсир қилади, фарзандларини яхши ўқитади. Бугун ҳам кўп режалар, имкониятлар билан келдик. Ўзбекистонда орзулар амалга ошадиган замон қуришга ҳаракат қиляпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корхона йилига 7 миллион дона тайёр кийим ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларнинг катта қисми "Samo" бренди остида экспорт қилинади. Бунинг учун таниқли хорижий брендлар билан ҳамкорлик режалаштирилган.

Кластер раҳбарига пахта ҳосилдорлигини ошириш, янги ерларни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, Еттитом шаҳарчаси Кўкдала туманининг маъмурий маркази этиб белгиланган. Энди бу ерда инфратузилмани ривожлантириш зарур. Президентимиз ушбу шаҳарчани батафсил режалаштириш лойиҳаси билан танишди.

Туман ҳудуди 171 минг гектар бўлиб, 32 та маҳалладан иборат. Лойиҳага кўра, Еттитом шаҳарчасида туман ҳокимлиги ва маҳаллий идоралар учун бинолар, "Янги Ўзбекистон" массиви, боғча ва мактаблар, поликлиника, истироҳат боғи, халқаро аҳамиятдаги йўл бўйида хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари барпо этилади. 159 километр йўл таъмирланиб, 50 километр ичимлик суви, 80 километр электр тармоқлари қурилади.

Президентимиз янги биноларни энергия тежамкор қилиб қуриш, уйлар тепасига қуёш энергияси панелларини ўрнатиш зарурлигини таъкидлади. Кўкдалада 500-1000 мегаватлик қуёш электр станциялари ва қуёш панеллари корхонасини барпо этиш имкониятини ўрганиш бўйича топшириқ берилди.

Шу ерда аҳоли вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Улар илгари Чироқчи тумани марказигача 2-3 соатлаб йўл юрилгани, бу кўп қийинчилик ва харажатлар туғдирганини сўзлаб беришди.

— Кўкдала туманини ташкил этишдан асосий мақсад бу ерда яшайдиган 182 минг нафар аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларимизни янги босқичга кўтаришдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилиши таъкидланди. Бу ерда муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш учун қарийб 2 триллион сўм маблағлар йўналтирилади. Жорий йилда 260 миллиард сўмлик 18 та лойиҳа ишга туширилади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари оилавий болалар уйи ташкил этган ота-оналар билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев раҳбар сифатида қатъиятли ва талабчан бўлса, шахс сифатида меҳрибон ва эътиборли инсон. Буни унинг кексаларга, болаларга, эҳтиёжманд одамларга муносабатидан билса бўлади.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилояти ҳокими бўлганида Меҳрибонлик ва Мурувват уйларини тартибга келтиргани, Самарқандда кўзи ожиз болалар интернатига борганини одамлар ҳалигача эслайди.

Бугун бундай меҳр-эътибор бутун мамлакат микёсига ёйилган. Президентимиз ҳудудларга чиққанида шундай ижтимоий муассасаларга боришга вақт топади.

Яқинда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги мактаб-интернатга борганида Шавкат Мирзиёев "юртимизда умуман етимлар бўлмаса, қандай яхши бўларди" деган эди. Халқимиз бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватламоқда, барча ҳудудларда оилавий болалар уйлари ташкил этилмоқда. Натижада сўнгги ойларда 16 та Меҳрибонлик уйидан 10 таси ўз фаолиятини тугатди.

Қашқадарё вилоятида ҳам биринчилардан бўлиб, Китоб туманидаги 5-сон ва Қамашидаги 4-сон Меҳрибонлик уйлари ёпилди. У ерда тарбияланганларнинг бир қисми яқинлари бағрига қайтган бўлса, бир қисми оилавий болалар уйларига қабул қилинган.

Президентимиз Қашқадарёга сафари чоғида шундай меҳрибон инсонлар — Ҳусан Холлиев ва Гулбаҳор Хонимова, Шокир Суюнов ва Гулбаҳор Ҳамидова, Бахтиёр Тўраев ва Гулбаҳор Алланазарова оилалари билан учрашди.

— Давлатимиз сиёсатини амалга ошириб, болаларнинг бошини силаб, оилангиз бағрига олганингиз учун сизларга таъзим қилиб, раҳмат айтаман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Сиз ўзлигимизни, халқимиз маънавиятини намоён этиб, намуна бўляпсиз. Бу қийин, буни ҳамма ҳам тушунмаслиги мумкин. Лекин бу савоб ишнинг ажру мукофоти жуда улкан. Сиз тарих яратаяпсиз, ўзингизга маънавий ҳайкал қўяяпсиз. Халқимиз бундай олижаноб фазилатларни юксак қадрлайди.

Президент болажонларга ҳам мурожаат қилиб, далда берди.

— Ҳаёт ўнқир-чўнқир, синовлардан иборат. Ҳозир сизлар учун синов. Лекин, мен ишонаман, келажакда тенгдошларингга ўрнак бўласизлар. Меҳнат, машаққатсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Мен ҳам болалигимда қийинчилик кўриб, катта бўлганман. Сизлар ҳар доим давлатимизнинг эътиборида бўласиз: таълим-тарбиянгиз, ўқишларга киришингизни назоратга оламиз. Худо хоҳласа, камолингизни кўриш ҳаммамизга насиб этсин, — деди давлат раҳбари.

Қашқадарё вилоятида жами 16 та оилавий болалар уйлари ташкил этилган бўлиб, уларда 98 нафар ўғил-қиз меҳр оғушига олинган. Президентимиз ушбу оилаларга ҳам миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Косон туманидаги "Косон" фермер хўжалиги даласида бўлиб, ғалла ва ғўза ривожини кўздан кечирди.

82 гектар майдонга эга хўжалик асосан шу экинларга ихтисослашган. Ўтган йили пахтадан 41, ғалладан 70 центнердан ошириб ҳосил олинган. Даромад ҳам шунга яраша яхши бўлган — ўтган йили 357 миллион сўм даромад топилган.

Бунинг эвазига хўжаликка техникалар харид қилинди, сув тежовчи технологиялар ўрнатилди.

— Бозор иқтисодиётида ишни ҳаракатлантирувчи куч нима? Манфаат. Фермер хўжаликлари ҳам даромадни кўпайтиришни ўйлаши керак. Даромад бор жойда ривожланиш бўлади. Унумдорликни ошириш учун фойданинг бир қисмини илмга, янги технологияларга сарфлаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Фермер хўжалигида пахта ва ғалла далалари атрофига ток, тут ва ошқовоқ экилган. Президентимиз бу тажрибани кенгайтириб, барча кластер ва фермер хўжаликлари даласи атрофида бўш жойларда мева-сабзавотлар етиштириш зарурлигини таъкидлади.

Қашқадарёда қишлоқ хўжалигида энг катта муаммолардан бири - сув камлиги. Шу боис ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

"Косон" фермер хўжалигида ҳам ёмғирлатиб суғориш ташкил этилган. Бу йил яна 23 гектар ғалла майдонида ёмғирлатиб ҳамда 30 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган. Натижада 46 минг метр куб сув, 11 тонна минерал ўғит иқтисод қилинади.

Шу ерда сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга оид лойиҳалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари кластерларга қарашли ерларга сув етказиб бериш бўйича улар билан давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Косон туманидаги "Бунёдкор" пахта-тўқимачилик кластерининг ишлаб чиқариш корхоналарини бориб кўрди.

Бу ерда давлатимиз раҳбарининг кластер ғояси асосида пахта етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашнинг тўлиқ саноат "занжири" яратилган. Биринчи лойиҳа доирасида қарийб 21 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилиб, замонавий тикувчилик фабрикаси ташкил этилган.

Туркия ва Италиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхона йилига 6 миллион дона тайёр трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Даромад жиҳатидан айтганда, қарийб 100 миллиард сўмлик юқори сифатли кийим-кечаклар тикилиб, 2 миллион доллардан зиёд тайёр маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.

Айни пайтда фабрикада 320 нафар хотин-қизлар ишламоқда. Президент улар билан суҳбатлашиб, ишларига муваффақият тилади.

Кластерга қарашли калава ип йигириш ва мато тўқиш қувватлари жорий йил июлда, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси декабрда фойдаланишга топширилади. Уларда яна 700 га яқин иш ўрни ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда соҳа мутахассислари, пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари билан суҳбатлашди.

— Биз ҳозирги кластер тизими билан енгил босқични босиб ўтдик. Энди сифат, нарх, бозор нуқтаи назаридан йўл очиқ. Шунинг учун кластерларимизнинг чет элларга хизмат сафарлари, кўргазмаларни ташкил этиш керак, — деди Президент.

Тўқимачилик корхоналарини барқарор хомашё билан таъминлаш учун пахта ҳосилдорлигини ошириш, сунъий тола ишлаб чиқариб, самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Президентимиз Косон туманидаги "Ишга марҳамат" мономарказининг фаолияти билан танишди.

Бу ерда техника ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 20 га яқин касб-ҳунарга ўқитиш йўлга қўйилган. Ўқув ва машғулот хоналари тегишли ускуна, компьютер, муляж ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган.

Энг муҳими, ўқиш, ўрганиш ёши чегараланмаган. Бу ерга барча истовчилар, вақтинча ишсиз кишилар ҳам келиши мумкин. Бундай имкониятдан фойдаланиб, аҳоли меҳнат бозорида талаб юқори бўлган электрик, сантехник, пайвандчи, ошпаз, қандолатчи, сартарош ва тикувчи каби касбларни ўрганмоқда. Уларга жаҳон стандартлари даражасида кўникма бериш мақсадида Германия, Туркия ва Япония давлатларидан мутахассислар жалб қилинган. Марказ қошида хорижий тилларни ўқитиш ҳам йўлга қўйилган.

Бу ерда нафақат Косон, балки қўшни туманлардаги ишсиз фуқароларга 2 ойдан 6 ойгача бўлган курсларда дарс берилади.

Давлатимиз раҳбари марказда яратилган шароитларни кўздан кечирди, касб ўрганаётган йигит-қизлар билан суҳбатлашди.

— Сизларнинг эртанги кунингизга бефарқ бўлмай, касбга интилишингиз мени хурсанд қилди. Бундай марказларни нима учун ташкил этаяпмиз? Илгари ёшлар касб эгаллаши учун Тошкентга ёки бошқа шаҳарларга борарди. Энди ўша шароитларнинг ўзи ёшларнинг олдига келаяпти. Мақсадимиз — аҳолини касб-ҳунарли қилиш. Яхши ҳунари бор одам ишсиз қолмайди, керак бўлса уйидан олиб кетишади. Шунинг учун бу имкониятлардан фойдаланиб, йўлингизни топиб олишингиз керак, — дея таъкидлади давлат раҳбари.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги фармонига мувофиқ, аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида жойларда "Янги Ўзбекистон" массивлари бунёд этилмоқда.

Президентимиз Косон туманида "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилаётган шундай уйларни бориб кўрди.

Бу ерда 2022-2026 йилларда 120 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, маҳалла идораси, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуаси каби турли ижтимоий объектлар барпо этилади. Ушбу ҳудудда истироҳат боғи ва стадион борлиги аҳолига қулайлик яратади.

Жорий йилда 616 та хонадонли 30 та уй-жой қурилиши бошланган.

Давлатимиз раҳбари уйларни сифатли қуриш, одамлар учун ҳамёнбоп қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида вилоятда ичимлик суви таъминоти ва оқова тармоғини яхшилаш борасидаги режалар ҳақида маълумот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Касби туманидаги "Қамаши" маҳалласида бўлди.

Бу ерда 6 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларга қулай ижтимоий шароитлар яратиш мақсадида ҳудудда "Обод қишлоқ" дастури амалга оширилди.

Маҳаллага олиб келувчи йўл бўйида 40 дан ортиқ енгил конструкцияли савдо ва хизмат шохобчалари қурилди. Бу орқали 200 нафарга яқин аҳоли ишли бўлди.

Хонадонлар электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланди. 8 километрдан ортиқ ички йўлларга асфальт, 18 километрдан зиёд қисмига қум-шағал ётқизилди.

Давлатимиз раҳбари "Обод" маҳалла марказидаги шароитларни кўрди, болаларнинг санъат ва спорт тўгаракларини кузатди.

— Бундай ишлар туфайли маҳаллаларга нур, маданият кираяпти, одамлар ўзгаришларни сезаяпти. Энди ушбу марказ халқимизга хизмат қилиши, доим гавжум бўлиши керак. Бу ерда хизматларни кўпайтириш, ёшларни спортга, турли тўгаракларга жалб этиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳаллада жорий йилда 600 нафар хотин-қиз касаначилик асосида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга жалб қилинди.

Кооперация асосида 50 та хонадонда инкубатор орқали жўжа кўпайтириш, 300 та хонадонда гўшт, 200 тасида тухум йўналишида паррандачилик ташкил этилмоқда.

Туман фаоллари билан суҳбатда ёшлар таълим-тарбияси, бандлик масаласи ҳақида сўз борди. Давлатимиз раҳбари Касби тумани азалдан ўзига хос кулолчилик ва гиламчилик мактаби билан машҳур бўлиб келганини таъкидлаб, "Ҳунарманд" уюшмасига ҳудудда ушбу йўналишларни ривожлантиришга кўрсатма берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**Ўлмас БАРОТОВ,**
*ЎзА мухбирлари*

**Мамлакатимизда қарийб икки йилдан буён Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган ушбу муҳим ҳужжатни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"да белгиланган вазифалар ижроси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда.**

**Марказ директори Акмал Саидов билан ана шу мониторинг давомида аниқланган янги натижалар ҳақида суҳбатлашдик.**

*Жамиятимиз мақсади*

## Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва инсон қадрини жойига қўйиш

*Миллий стратегия ва «Йўл харитаси» замирида айни шу эзгу мақсадлар мужассам*

— Аввало, 2022 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"нинг 78 та бандидан 59 таси юзасидан кўзда тутилган барча ишлар бажарилганини таъкидламоқчиман, — деди А.Саидов. — Бугунги кунда "Йўл харитаси"нинг 19 та банди бўйича ишлар қизғин давом этмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Муносабат*

## АЁЛ БАХТИ АСОСИ



***АЁЛ бахти — оила ва жамият фаровонлиги асоси ҳисобланади. Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб фазилатлардандир.***

Бугун биз аёлларга қаратилаётган эътиборни ҳар нафасимизда ҳис қилиб келяпмиз. Буни жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими, ҳуқуқ-тартибот, саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида самарали фаолият юритаётган фидойи аёллар тимсолида кўриш мумкин.

Зукко қизларимиз, фозила аёлларимиз эса, илм-фан, санъат, маданият ва спортда юқори марраларни забт этишаяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларнинг келгусида ҳам қатъий давом эттирилишини таъкидлаган бежиз эмас. Чунки бу давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Моҳият*

## Йўл ҳаракати хавфсизлиги:

### у қандай омилларга боғлиқ?



***Мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисалари сонининг ортиб бораётгани ва улар натижасида бегуноҳ одамларнинг жабрланаётгани йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида туб ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг инсон ҳаёти учун реал хавф туғдираётгани инобатга олиниб, давлатимиз раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.***

Президентимизнинг шу йил 4 апрель куни қабул қилинган **"Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорида бу борада долзарб вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 4-бетда) ▶

## Парламент фаолияти

# Қонунчиликдаги янгиликлар

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор янги қонун лойиҳалари муҳокама этилди.**

### *Кадастр соҳасида Миллий географик ахборот тизими яратилмоқда*

Депутатлар дастлаб **"Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан **"Давлат кадастрлари тўғрисида"**ги қонуннинг 8 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, Кадастр агентлиги Миллий географик ахборот тизимини юритиш соҳасида махсус ваколатли орган ҳисобланиши, давлат кадастрларининг ягона тизими Миллий географик ахборот тизимида шакллантирилиши, давлат кадастрлари маълумотлари ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда тўғридан-тўғри тақдим этиб борилиши ва бошқа нормалар ўз ифодасини топган.

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида мамлакатимиз ва айрим ҳудудлар табиий-иқтисодий салоҳиятининг ягона ҳисоб-китоби юритилиши, соҳадаги ахборот тизимлари, уларда сақланадиган ҳамда юритиладиган маълумотларнинг аниқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Қолаверса, лойиҳани такомиллаштиришда қонунни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, айрим таҳририй тузатишлар киритилган ҳолда амалдаги қонун нормаларига мослаштирилди.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

### *Суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимда иштирок этиш тартиби белгиланмоқда*

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловни самарали таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Депутатлар томонидан муҳокама қилинган **"Судлар фаолиятининг рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси айни ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳасига асосан процессуал қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан суд иши бўйича тарафларни суд мажлиси ҳақида "SMS" хабар орқали хабардор қилишнинг процессуал асоси яратилиб, судга берилган мурожаатнинг ҳолатини онлайн кузатиб туриш имконияти суд иши бўйича тарафларнинг процессуал ҳуқуқи сифатида белгиланмоқда. Шунингдек, суд мажлисларига суд биносига келмасдан масофадан туриб, мобиль видеоконференцалоқа режимида иштирок этишнинг процессуал асоси ва тартиби белгиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш даражасини янада кенгайтириш, ортиқча сарф-харажатларни тежаш, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

### *Солиқ имтиёзлари берилмоқда*

Мажлисда **"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат билан электрон тижорат иштирокчиларига, уларнинг миллий реестрига киритилган ёки киритилмаганидан қатъи назар, фойда солиғи ва айламадан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар берилиши, янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича имтиёзли даврни уч йилдан беш йилга узайтирилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёз меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 бараваридан 3 бараваригача оширилиши назарда тутилмоқда.

2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда бўялган мато, газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган даромадлари барча товарлар ва хизматлар реализациясида камида 80 фоизни ташкил қилувчи корхоналарга ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланмоқда.

Шу билан бирга, 2022 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар бўлган даврда Мўйноқ туманидаги маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлик субъектларига фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ижтимоий солиқ ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 1 фоиз миқдорида тўлаш ҳамда мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини мазкур солиқ ставкалари бўйича ҳисобланган суммадан 1 фоиз миқдорида тўлаш шаклидаги имтиёзлар бериш назарда тутилмоқда.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

### *Ҳокимларнинг қандай ваколатлари бекор қилинмоқда?*

Депутатлар **"Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартиби соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқишди.



Мазкур қонун лойиҳаси билан Ер кодексининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш назарда тутилган. Хусусан, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очиқ электрон танлов якунларини тасдиқлаш, ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага бериш, очиқ электрон танлов натижаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори билан жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини ижарага бериш ваколатларини бекор қилиш назарда тутилган.

Мажлисда қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

**Парламент Ахборот маркази**







*Муносабат*

# АЁЛ БАХТИ АСОСИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу йил 1 март куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳамда 7 март куни қабул қилинган **"Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Президент Фармонида белгиланган вазифалар ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда аёлларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Биргина 2021 йилда "Аёллар дафтари"га киритилган 900 минг нафарга яқин хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир аёлларни уй-жой ва иш билан таъминлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, имтиёзли кредитлар ажратиш борасида муайян тажриба тўпланди. Юридик маслаҳатга муҳтож 74 минг нафардан ортиқ аёлга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Бу борадаги ислоҳотларнинг самараси шундаки, нафақат соҳа ва тармоқлар, балки аҳолининг барча қатламлари билан алоҳида ишлаш амалиёти йўлга қўйилган. Ёшлар, нуронийлар ва албатта, хотин-қизлар муаммолари билан иш олиб борувчи давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолияти тобора такомиллаштирилмоқда. Хусусан, бу борадаги устувор мақсадлар ижросини тизимли тарзда, ҳар бир маҳалла кесимида амалга ошириш учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармонда хотин-қизлар учун яратилаётган янги имтиёз ва шароитлар белгиланди. Шу асосда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг уй-жой шароитини яхшилаш, саломатлигини тиклаш, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ҳамда бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Албатта, ҳар қайси ўзбек аёли ҳеч кимдан кам бўлмаслик учун таълим олиш, ўзи ёқтирган соҳанинг етук мутахассиси бўлиш орзуси билан яшайди. Лекин ҳар кимнинг ҳам олий таълим олишга қурби етмаслигини тан олиш лозим. Давлатимиз раҳбари шундай хотин-қизларга оталарча меҳр кўрсатиб, жудаям яхши имкониятлар бериш ташаббусини илгари сурди. Эндиликда эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти маҳаллий бюджетдан тўланади.

Янги ўқув йилидан таълим контрактларини тўлаш учун қизларга илк маротаба 7 йил муддатга фоизсиз кредит ажратиш жорий қилинади.

Бундай имкониятлардан хабар топган мактаб ҳамда лицейларни битирувчи ёш қизларимизнинг кўзлари қувонч ва шодликка тўлиб, уларда Ватанга муҳаббат ва эртанги кунга бўлган ишонч туйғулари ортмоқда.

Жамиятимизда олималар улушини сезиларли ошириш учун келгуси ўқув йилидан магистратурада ўқиётган қизларнинг шартнома пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади.

Шуни эътироф этиш жоизки, билимга чанқоқ, илм олиб, тинимсиз ўз устида ишлаб, олган маънавий бойликлари ва тажрибасини келгуси авлодларга бериш истагида бўлган хотин-қизларимиз учун берилган бундай рағбат ривожланган чет давлатларида ҳам мавжуд эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, **аёллар ишлаган ва раҳбарлик қилган жойларда тартиб, адолат, ҳалоллик, маданият юқори бўлиши ҳеч кимга сир эмас.**




Шунинг учун айни пайтда аёлларимиз улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий таълим муассасаларида хотин-қиз талабалар улуши ҳозирги 24 фоиздан 40 фоизгача етказилиши белгиланди. Бунинг учун ҳар йили хотин-қизларнинг талаба бўлишига квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишлари учун мақсадли ажратилади.

Бу эса, мазкур соҳа ва тармоқларда гендер тенглиги таъминланиши, аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва билими ошиши, хотин-қизларимиз тараққиётнинг барча жабҳаларида ўз ҳиссаларини қўшишига хизмат қилади.

Афсуски, алимент ундириш масаласи ҳудудларда ўтказилаётган сайёр қабуллар давомида, Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларда аёлларни қийнаб турган долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Фарзандларининг таъминоти учун қарздорлардан алимент ундириш белгиланса-да, унинг ижросини таъминлаш даражаси пастлигича қолмоқда.

Шу сабабли Президентимиз томонидан мазкур муаммога фундаментал ечим сифатида энди алимент тўловларини кафолатли таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилиниши ташаббуси эълон қилинди.

2022 йил 1 июлдан Мажбурий ижро бюросида "Алимент тўловлари" жамғармаси ташкил этилади ва унга дастлаб 50 миллиард сўм йўналтирилади. Мазкур маблағ уч ой ичида ундириш имкони бўлмаган алиментларни тўлашга ажратилади ва кейинчалик Бюро томонидан ундириб олинади.

Алимент мажбуриятларини бажармаётган шахсларга нисбатан жавобгарлик кучайтирилади. Қўшимча чоралар қўллаш масалалари қонунчиликка киритилади.

Бундан ташқари Фармонда ва ўтказилган видеоселектор йиғилишида аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирда тазйиқ ва зўравонликка учраган аёллар 30 кун муддатга алоҳида ҳимояга олинади. Лекин ундан кейинги тизим бўшлиқ бўлиб қолгани ҳам айни ҳақиқат. Шу боис келгусида аёлларнинг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиниши суд томонидан таъминланади. Бунда алоҳида ҳимояга олиш муддати бир йилгача узайтирилади. Буларнинг барчаси жамиятимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланаётганидан далолатдир.

Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган барча соҳадаги ислоҳотлар мазмун-моҳияти аввало инсонни улуғлашга, унинг шаъни, қадр-қимматини оширишга, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан юксак эътиборга молик.

Эндиликда шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва қадрини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланади.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Президент Фармонида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартда қабул қилинган **"Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ҳам айни мақсад ижобатига қаратилган.

Қарорда ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан "Аёллар дафтари"ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик, тиббий ва моддий ёрдам кўрсатишнинг аниқ механизми белгилаб берилган.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун туман (шаҳар) ҳокимликларида "Аёллар дафтари" рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Эътиборлиси шундаки, мазкур жамғарма маблағлари бошқа йўналишлар билан бир қаторда дафтарга киритилган хотин-қизларнинг муаммоларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва фуқаролик паспортини олиш, судга даъво аризаси киритгани учун ундириладиган давлат божи тўловлари ва бошқа харажатларни сектор раҳбари хулосасига асосан тўлаб беришга йўналтирилади.

Бу, ўз навбатида, аёлларга ҳуқуқий ёрдам бериш билан боғлиқ асосий муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишга, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлашга, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Юртимиз хотин-қизлари учун яратилаётган бундай улкан имкониятлар, қулай шароитларни мўътабар оналаримиз ва опа-сингилларимиз катта мамнуният, эртанги кунга ишонч, шукроналик билан қабул қилмоқда.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг аёлларга бўлган юксак ҳамда изчил эътибори хотин-қизлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланишимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланишимиз, билдирилаётган ишончни оқлаш биз — аёлларнинг вазифамиз ва бурчимиздир.

**Робахон МАҲМУДОВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари*

*Ҳуқуқий маърифат*

# Жиноят ишини

***Аввало шуни айтиш керакки, Конституциямизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантириши, фарзандлар ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.***

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича зарур ҳуқуқий асосларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 1992 йил 9 декабрда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилинди. Ушбу Конвенциянинг асосий қоидалари кейинчалик Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Оила, Меҳнат кодекслари ва бошқа бир қатор қонунларда ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари 2008 йил 7 январда **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, давлатимизнинг айни йўналишдаги сиёсатини янги босқичга кўтарди.

Маълумки, жиноят процессида вояга етмаганларнинг асосан уч тоифаси иштирок этади: ***биринчиси*** — жиноят содир қилган вояга етмаган шахс, ***иккинчиси*** — жиноятдан жабрланган вояга етмаган шахс, ***учинчиси*** — жиноят ишида гувоҳ сифатида иштирок этаётган вояга етмаган шахс.

Жиноят қонунчилигида шу тоифаларга кирувчи вояга етмаган шахсларга нисбатан бир қатор инсонпарварлик тамойиллари белгиланган. Айни тамойиллар сўнгги йилларда янада такомиллаштирилди. Жумладан, 2019 йил 6 декабрь ва 2021 йил 7 декабрда қабул қилинган қонунларга мувофиқ, жиноят қонунчилигига бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Яъни илгари ишда вояга етмаган шахснинг қонуний вакили сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин бўлган.

Эндиликда эса, вояга етмаганнинг илтимосига кўра, ишда юқорида кўрсатилган шахслар билан бир қаторда, унинг катта ёшдаги яқин қариндошларидан бири ёки ўзи ишонадиган бошқа шахс қонуний вакил сифатида иштирок этишига йўл қўйилади.

Илгари ўн олти ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишда қонуний вакил ёки катта ёшдаги яқин қариндош, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирок этиши мумкин эди.

Эндиликда сўроқ қилинувчи вояга етмаган шахснинг ёши ўн олтидан ўн саккизга қадар узайтирилди. Сўроқ жараёнида юқорида кўрсатилган шахсларнинг илтимосига биноан ёхуд сўроқ қилувчи, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ташаббусига кўра, психологнинг ҳам иштироки таъминланиши белгиланди.

Илгари вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилишда фақатгина ҳимоячининг иштироки шарт бўлиб, ушбу жараёнда қонуний вакилнинг иштирок этиши учун терговчининг рухсати талаб қилинар эди.

Эндиликда эса, вояга етмаганни сўроқ қилишда ҳимоячи билан бир қаторда, қонуний вакилнинг ҳам иштироки шартлиги белгилаб қўйилди. Бу борада терговчининг рухсатини олиш тартиби бекор қилинди.

Энг муҳим ўзгаришлардан яна бири шуки, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёш чегараси бирмунча узайтирилди. Илгари жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари учунгина жавобгарликка тортиларди. Эндиликда бундай ёш чегараси ўн тўрт ёш қилиб белгиланди.

Шу ўринда 2021 йил 3 июнда Вазирлар Маҳкамасининг **"Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим. Бунинг натижасида шартли ҳукм қилинган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгиланган вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланадиган жамоат тарбиячисининг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асос яратилди.

Албатта, жиноят ишларини юритиш, жазо тайинлаш, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш каби масалаларда вояга етмаганларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган енгиллик ва имтиёзлар судлар томонидан амалиётда кенг қўлланмоқда.

Хусусан, 2021 йилда Тошкент вилояти, туман (шаҳар) судлари томонидан 187 нафар вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят ишлари кўрилган. Шундан 91 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган вояга етмаган шахсларнинг 20,8 фоизи тарафлар ярашгани муносабати билан жавобгарликдан озод қилинган.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

***— Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида 33 та қонун ҳужжати лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Ҳозиргача уларнинг қанчаси қабул қилинди?***

— Сиз тилга олган қонун ҳужжатларининг 20 таси янги қонун лойиҳалари бўлса, 4 таси амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир.

Ўтган давр мобайнида 11 та қонун қабул қилинди ва шундан иккитаси конституциявий қонундир.

Миллий стратегия доирасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари қаторида "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар ҳам бор.

***— Миллий стратегия ижроси бўйича яна қандай қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда?***

— Айни вақтда 10 та янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу ўринда "Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида"ги, "Хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Бепул юридик ёрдам тўғрисида"ги, "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида"ги, "Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида"ги, "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирлар тўғрисида"ги, "Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳақида сўз бормоқда.

Шунингдек, 3 та янги кодекс — Соғлиқни сақлаш кодекси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс, Экология кодекси ҳамда амалдаги 7 та кодекс ўрнига янги Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Уй-жой кодекси лойиҳалари тайёрланди.

Ҳозирги кунда 2 та янги кодекс — Ахборот кодекси ва Тадбиркорлик кодекси лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

***— Давлат органларининг тегишли ходимлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида малакасини ошириш ишлари қандай ташкил қилинган?***

— Айни шу мақсадда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан 2021 йил давомида 19 та семинар-тренинг ва ўқув курслари ўтказилган. Ушбу машғулотларда:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасаларининг 1 минг 214 нафар ходими;
- Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги жазони ижро этиш муассасаларининг 30 нафар ходими;
- хотин-қизлар ахлоқ тузатиш муассасаларининг 30 нафар ходими;
- Бош прокуратура, Олий суд, Статистика давлат қўмитаси, юридик йўналишдаги олий ўқув юртларининг 28 нафар мутахассиси;
- Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари жазони ижро этиш муассасаларининг 35 нафар ходими;
- Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва унинг вилоят бўлинмалари 30 нафар ходимининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билими янада мустаҳкамланди.

Бу муҳим жараёнда 2021 йил давомида ва 2022 йилнинг биринчи чорагида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя этиш масалаларига бағишланган 40 дан зиёд амалий қўлланма, шарҳлар ва услубий адабиётлар нашр этилгани ҳам катта аҳамият касб этади. Улар 70 дан ортиқ давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилотларга тарқатилди.

***— Ўзбекистон пахтасига бойкот бекор қилингани факти билан Миллий стратегия ижроси ўртасида қандай боғлиқлик бор?***

19 майда қабул қилинган "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қарорга мувофиқ, мамлакатимизда 29 та "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш маркази" ташкил этилди.

Ҳукумат қарори билан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ички ишлар органлари томонидан ҳимоя ордерини бериш тартиби белгиланди. Шунингдек, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолияти ташкил этилди. Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

*Жамиятимиз мақсади*

# Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва инсон қадрини жойига қўйиш

## *Миллий стратегия ва «Йўл харитаси» замирида айни шу эзгу мақсадлар мужассам*

— Гап шундаки, Миллий стратегия ва "Йўл харитаси"да одам савдосидан жабр кўрганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид муайян чора-тадбирлар белгиланган. Шу асосда, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, биринчидан, "Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисида"ги Низом, иккинчидан, "Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

Бошқача айтганда, юртимизда одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий, психологик, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа турдаги ёрдам олиш ҳуқуқларини таъминлаш механизмлари яратилди.

Натижада 2022 йил 10 март куни пахтадан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва улар билан савдо қилувчи жаҳондаги етакчи 331 та компанияни бирлаштирувчи Cotton Campaign коалицияси Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати батамом бартараф этилганини тан олди. Шу тариқа Ўзбекистон пахтасига қўйилган бойкот бекор қилинди.

***— Миллий стратегия ва гендер тенглик: шу ҳақда ҳам тўхталсангиз?***

— Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 28 майдаги қарори билан "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси" тасдиқланди. Стратегияда барча учун тенг ҳуқуқли ва сифатли таълимни таъминлаш, қишлоқ жойларида қизларнинг олий маълумотга эга бўлиши, хотин-қизлар гендер тенглигига эришиш, зўравонликка йўл қўймаслик, одам савдосининг олдини олиш каби масалалар қамраб олинган.

Ушбу йўналишлар БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос ва ҳамоҳангдир.

Бу соҳада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил

***— Миллий стратегия доирасида ёшлар, ногиронлар, умуман, ижтимоий эҳтиёжманд инсонларни қўллаб-қувватлаш борасида қандай амалий ишлар қилинмоқда?***

— Бу борада, хусусан, 2021 йил 3 декабрда Президентимизнинг **"Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида"**-ги Фармони ҳамда **"Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш ҳамда ўқишни тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериш, ишсизларни, биринчи навбатда, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш механизмлари белгиланди.

Президентимизнинг 2021 йил 17 февралдаги Фармойиши билан 2021-2030 йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси концепцияси тасдиқлангани айни муддао бўлди. Унга кўра, ижтимоий нафақа олиш жараёнини соддалаштириш режалаштирилган, ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона масъул орган тузилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги қарори билан Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланганини ҳам қайд этиш даркор. Концепция БМТнинг "Ёшлар — 2030" стратегиясида белгиланган "Ёшлар манфаатларини кўзлаб, улар билан ишлаш" бош тамойилига асосланган.

***— Президентимизнинг жаҳон минбарларидан илгари сурган ташаббуслари ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларда зиммасига олган мажбуриятлари бажарилиши хусусида ҳам мухтасар тўхталсангиз.***

— Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг олий даражадаги Сегментида илгари сурган ташаббусларини амалга ошириш мақсадида 2021 йил 26 июнда давлат раҳбарининг "Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ:

***биринчидан,*** қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳларини ташкил қилиш, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаш, мониторинг ташрифларини мунтазам равишда амалга ошириш орқали қийноқ ҳолатларининг бартараф этилишига эришиш;

***иккинчидан,*** "Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг ягона реестри" электрон тизимини юритишни йўлга қўйиш;

***учинчидан,*** Ўзбекистон Республикасининг БМТ Қийноқларга қарши конвенцияси Факультатив протоколига қўшилиши юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

***тўртинчидан,*** қийноқдан жабрланган шахсларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Президентимиз 2022 йил 29 мартда "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни имзолади. Қонуннинг мақсади қийноққа солишдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни компенсация қилиш тартибини ҳуқуқий мустаҳкамлашдан иборат.

Миллий стратегиянинг айни йўналишида эришилган яна бир муҳим натижа: 2021 йил 4 июнда Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг "Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида"ги 187-сон конвенциясини ратификация қилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2021 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Нью-Йорк, 2000 йил, 13 декабрь) ратификация қилди.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 21 декабрда қабул қилинган "Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан ҳар йили 500 нафаргача ногирон ёшларга ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратилади.

Миллий стратегия ва ушбу ҳужжатни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ижроси доирасида 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Концепция инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш масалаларини ўз ичига олган.

**Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.**

*Мезон*



# Қонунга номувофиқлик

## *Олий суд томонидан бартараф қилинди*

***Қонунчиликда шундай талаб бор: идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция, қонун ҳамда юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлиши мумкин эмас.***

Аммо Шерзод Иброҳимов ўзининг хизмат фаолияти мобайнида қонун талабларига мувофиқ бўлмаган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга дуч келди. Бу — Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 мартдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Низомдир.

Мазкур Низом Адлия вазирлигида 2019 йил 22 апрелда 3156-сон билан рўйхатга олинган. Унинг 24-бандида "Мурожаатлар комиссия томонидан манфаатдор шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади", дея қайд этилган.

Низомнинг ушбу бандини ўқиган Ш.Иброҳимов "Ахир, бу "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун талабларига бутунлай зид-ку?!" — дея ўйланиб қолди.

Айтиш керакки, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ўз йўналиши бўйича Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳуқуқий вориси саналади.

Бинобарин, Ш.Иброҳимов Олий судга Кадастр агентлигига нисбатан ариза билан мурожаат қилиб, юқоридаги Низомнинг тегишли бандини ҳақиқий эмас, деб топишни ҳамда агентлик зиммасига мазкур бандни "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунга мувофиқлаштириш мажбуриятини юклашни сўради.

**"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги қонуннинг 8-моддасида Ўзбекистонда Конституция ва қонунларнинг сўзсиз устуворлиги тан олиниши кўрсатилган. Мамлакат қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унга зид бўлиши мумкин эмас.

**"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"**ги қонуннинг 3-моддасида ушбу қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларига, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилиши белгиланган. Қонунийлик, тинглаш имкониятининг мавжудлиги, маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги ва шаффофлиги эса, айни қонуннинг асосий принципларидир.

Албатта, ушбу ишни кўриб чиққан Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати юқоридаги Низомнинг 24-банди нафақат Бош қомусимиз ва "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунга, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига ҳам зид деб ҳисоблади. Чунки ҳар бир шахс мулкий ҳуқуқлари билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ҳуқуқига эга.

Суд мажлисида Кадастр агентлиги ва Адлия вазирлиги вакиллари "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Низом билан фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланмаслиги, унинг юқоридаги банди қонун талабларига зид эмаслиги, мазкур Низомга нисбатан "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун татбиқ қилинмаслиги ҳақидаги важларини исботлай олмади.

Шу боис судлов ҳайъати Шерзод Иброҳимовнинг аризасини қаноатлантириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди. Яъни Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 мартдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 24-банди ҳақиқий эмас, деб топилди.

Суд Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига ушбу бандни "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунга мувофиқлаштириш мажбуриятини юклади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир вазирлик, давлат қўмитаси ва бошқа органлар ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишда уни қайта-қайта муҳокама ва таҳлилдан ўтказишлари шарт. Зеро, ҳар бир ҳужжат келгусида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимояси кафолати бўлиб хизмат қилиши лозим.

**Дониёр ТОЖИБОЕВ,**
*Олий суд судьяси*

# юритиш



## *бу жараёнда вояга етмаганларнинг ҳимоясини янада такомиллаштириш зарурияти*

Яна 10,1 фоизи шартли ҳукм қилинган, 2,1 фоизи жавобгарликдан озод қилинган ҳолда, уларга мажбурлов чоралари қўлланилган. 5,8 фоизи эса, суд залидан қамоқдан озод қилинган.

Бу кўрсаткичлар ва ишлари кўрилган 187 нафар вояга етмаган шахснинг атиги 9,6 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлангани, шубҳасиз, уларга нисбатан алоҳида инсонпарварлик муносабати кўрсатилганини яққол тасдиқлайди.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада такомиллаштириш борасида ўз ечимини кутиб турган бир қатор долзарб масалалар ҳам борлигини қайд этиш жоиз.

Хусусан, вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларнинг ҳуқуқларига оид қуйидаги масалаларни ижобий ҳал қилиш, яъни:

- вояга етмаган шахсга нисбатан жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслигини белгилаш;

- жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этиш муддатларининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, судланганлик ҳолатининг тугалланиши каби масалаларда вояга етмаган шахсларга нисбатан алоҳида қисқартирилган муддатларни белгилаш;

- вояга етмаган шахсни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш мумкин бўлган жиноятлар доирасини янада кенгайтириш;

- ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган вояга етмаган шахснинг иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинадиган ушланма миқдорини ойлик иш ҳақининг ўн фоизи қилиб, камайтирган ҳолда белгилаш;

- вояга етмаган шахсни ушлаб туриш, унга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, вояга етмаган шахсни қамоқда ёки уй қамоғида сақлаб туриш муддати ва уни узайтириш борасида алоҳида қисқартирилган муддатларни жорий этиш;

- вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишнинг умумий давомийлигини кун давомида олти соатдан тўрт соатга қадар қисқартириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, процессуал қонунчиликдаги вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчига оид нормаларни:

***биринчидан,*** вояга етмаган гувоҳнинг қонуний вакили тушунчасини, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

***иккинчидан,*** вояга етмаган жабрланувчига давлат ҳисобидан ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

***учинчидан,*** вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чораларини янада такомиллаштириш таклиф этилади.

Бундан ташқари вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳ иштирокида кўрсатмаларни ҳодиса жойида текшириш, эксперимент, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, гувоҳлантириш каби процессуал ҳаракатларни ўтказишда алоҳида эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Бу борада хато ва камчиликларга йўл қўйиш вояга етмаганларнинг руҳиятида салбий ўзгаришлар пайдо бўлишига, хусусан, вояга етмаган жабрланувчининг қайта виктимизацияга учрашига сабаб бўлиши мумкин.

Шу боис миллий қонунчиликда вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳ иштирокидаги ишларни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш махсус курсларда тайёргарликдан ўтган, махсус билим ва кўникмаларга эга терговчи ёки судья томонидан амалга оширилиши белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳ иштирокидаги ишларни биринчи навбатда ҳамда қисқа муддатда тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш лозимлигини ҳам назарда тутиш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, шу каби муаммоларга ечим топиш ва бу борада кун тартибида турган долзарб масалаларни ҳал қилиш келгусида вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Дилшод ТОЖИБОЕВ,**
*Тошкент вилояти суди раиси*



*Огоҳлик зарурати*

# Қимор қурбони

***Кейинги пайтда интернет тармоқлари орқали ўйналадиган турли қимор ўйинлари иродаси суст, узоқни кўра олмайдиган айрим кимсаларни ўз домига тортиб бормоқда. Буни Фарғона вилоятида рўй берган мудҳиш воқеа ҳам яққол тасдиқлайди.***

Оилали, икки нафар фарзандли Умар Нишонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ташкилотда иш юритувчи вазифасида ишлаган. У интернет тармоғидаги қимор ўйинларини ўйнаб, даставвал муайян миқдорда пул ютган. Кейинчалик ютқаза бошлаган. Аммо "Ютқазган курашга тўймас" деганларидек, у яна қимор ўйнашда давом этаверган. Натижада юз миллион сўмдан зиёд қарз бўлиб қолган. Ўйиндан четлаштирилган Умар қарзни узиш учун бошқалардан яна қарз олган. Шу тариқа қарз ботқоғига ботган Умар қаттиқ тушкунликка тушган.

Бу орада қарз берганлар пулни қайтаришни талаб қила бошлайди. Бундан тинчи бузилган Умар топармон-тутармон қўшнисининг пулига кўз тикади. У нажот йўли сифатида "ўғирлик"ни танлайди.

(Давоми 4-бетда) ▶



*Моҳият*

# Йўл ҳаракати хавфсизлиги: у қандай омилларга боғлиқ?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қарор асосида автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳар қандай ҳодисалардан кафолатли ҳимоя қилиш мақсадида қуйидагилар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари этиб белгиланди:

- автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш;
- йўл ҳаракати иштирокчиларининг "пиёда-жамоат транспорти-велотранспорт-автотранспорт" устуворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш;
- ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига инновацион технологияларни тадбиқ қилиб, ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;
- ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш;
- ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш;
- йўл ҳаракати асосларини болаликдан сингдиришни йўлга қўйиш учун бу амалиётни мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий этиш;
- йўл ҳаракатини ташкил этишни тўлиқ рақамлаштириш ҳамда янги бошқарув ва назорат тизимларини татбиқ этиш.



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилиш ва такроран қоида бузишнинг олдини олиш мақсадида шу йил 1 декабрдан йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилади. Ҳар бир қоидабузарлик учун 12 ой давомида алоҳида жарима баллари ҳисоблаб борилиб, баллар белгиланган миқдордан ошган тақдирда ҳайдовчи маълум муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Йил давомида қоида бузмаган ҳайдовчилар эса, кейинчалик ҳисобланган жарима балларини қисқартириш йўли билан рағбатлантирилади. Мазкур қарорда Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигига бир ой муддатда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизимини жорий этишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини киритиш белгиланди.

Президент қарори асосида ҳайдовчиларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида амалиётга бир қатор янгиликлар киритилмоқда. Хусусан, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича барча автомактабларга ва имтиҳон марказларига фаолиятни амалга ошириш учун лицензия Ички ишлар вазирлиги томонидан берилади.

Автомактаблар учун инновацион педагогик технологияларга асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, ўқитувчи, ҳайдовчи йўриқчи ва мураббийларини шартнома асосида қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ишлари Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳрида чорраҳалар тўлиқ рақамли бошқарув тизимига ўтказилади.

Светофорлар, йўл чизиқлари, йўл белгилари, пиёдалар ўтиш жойларини белгилашга Ички ишлар органлари Йўл ҳаракати хавфсизлиги масъул бўлади.

2024 йил якунига қадар туман ва шаҳар ҳокимликларига ўз ҳудудларида автомобиль йўлларида қоида бузишни қайд этувчи мосламалар ўрнатиш ваколати берилди. Йўл қоидаларини бузганлик учун тўланган жарималар миқдорининг 30 фоизи маҳаллий йўл инфратузилмаси, йўл ҳаракатларини рақамлаштириш, ЙПХ ходимлари қўшимча штатларини киритиш учун сарфланади. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тузилмасида йўл инфратузилмасини назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилади.

Айни чоғда автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил этиш, бошқариш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича Республика махсус комиссияси ва унинг ҳудудий махсус комиссиялари тузилди.

Махсус комиссия зиммасига йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида фуқаролар саломатлиги ва ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш, йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини ўрганиш, йўл инфратузилмаларини ва хавфли участкаларни тасдиқлаш каби бир қатор вазифалар юклатилди.

Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб туман (шаҳар)лар кесимида "Хавфсиз йўл" индексини юритиш амалиёти йўлга қўйилади. Бунда 29 та индикатор бўйича ҳар чорак якунида ҳолат



туман (шаҳар)лар индекс кўрсаткичлари асосида "яшил", "сариқ" ва "қизил" тоифаларга ажратилиб, баҳолаб борилади.

Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда йўл транспорт ҳодисаларини барвақт олдини олиш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиш ҳамда йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини янада кенг йўлга қўяди. Хусусан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчиларини йўл ҳаракати қоидалари билан чуқур таништириш мақсадида мактабларда "Ҳаракат хавфсизлиги синфхоналари", маҳаллаларда "Йўл ҳаракатини ўргатиш майдончалари" ташкил этилади.

Қайд этилган устувор вазифаларни ўз вақтида сифатли бажариш мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилиши баробарида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоясини янада кенгайтиради.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси*

## Қизиқарли фактлар

***Фараз қилинг: сиз сершовқин шаҳардаги кўп қаватли уйлардан бирида, яна денг, унинг энг тепа қисмидаги хонадонда яшайсиз. Эрталаб уйқудан уйғонгач, бошпанангизни шамоллатмоқчи бўлиб деразани очасиз. Шу асно беихтиёр ўзингизникидан пастроқ уйлар томига бирров назар ташлайсиз. Шунда илкис ҳушёр тортасиз.***



# Томлардаги яшил олам

Кейин томларда гуркираб-яшнаб ўсаётган анвойи гуллар, кўм-кўк майсалар, турфа хил бута ва дарахтларга боқиб, дилингиз яйрайди. Еру осмон оралиғидаги яшилликдан кўзингиз қувнайди...

Э, йўқ, эътироз билдиришга андак шошманг — бу шунчаки хомхаёл эмас, балки дунёнинг айрим ҳудудларида аллақачон амалга ошган ҳақиқатдир!

Зеро, ҳозирга келиб, шаҳарларнинг экологик ҳолатини яхшилаш энг долзарб масалалардан бири сифатида жумлаи жаҳоннинг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бир гуруҳ мутахассислар бу борадаги муаммоларни ижобий ҳал этишнинг самарали чораларидан бири сифатида одамлар яшайдиган кўпқаватли уйлар, катта-кичик корхона-ташкилотлар ва муассасалар жойлашган бинолар томларини кўкаламзорлаштириш даркор, деган фикрни дадил олға сурмоқда.

Уларнинг таклифига кўра, томларда ҳам худди ердагидек чоғроққина майсазор, гулзор, иҳотазор барпо этилади. Бу шаҳар хўжалигига оид қатор муаммоларни ижобий ҳал этиш имконини беради. Аввало, улар чанг-ғуборларни ютиб, экологик мусаффоликни таъминлайди. Иккинчидан, кучли қор-ёмғир ёки жала ёғиши туфайли ҳосил бўладиган оқова сувларни камайтириб, маҳаллий канализация тизими ва сув тозалаш иншоотларини зўриқиб ишлашдан халос этади. Учинчидан, ёз кезлари кўпқаватли уйларнинг томлари, паст-баланд бинолардан иборат даҳа-мавзелар ҳавоси ҳаддан зиёд зиёд исиб кетишининг олдини олади.

Мана, ўзингиз бир қиёслаб кўринг: ҳаво ҳарорати Сельций шкаласи бўйича 27 даражага кўтарилган, қуёш кун бўйи нур сочиб турган пайтда битумланган ва оққа бўялган том 49 даражагача, қора бўёқ билан бўялгани 82 даражагача қизийди. Агар у ўсимликлар билан бурканган бўлса, ҳарорати 29-30 даражадан ошмайди. Демак, жазирама пайтлари кўпқаватли бинолар хоналарини электр асбоб-ускуналар воситасида салқинлатишга ҳожат қолмайди. Бу айни мақсадда ишлатиладиган бебаҳо энергияни тежаш, ортиқча сарф-харажатлар олдини олиш имконини беради.

Европа шаҳарларида томларни кўкаламзорлаштириш ўн-ўн беш йилдан буён амалга ошириб келинаяпти. Токиода эса шаҳарда мавжуд ўртача катталикдаги ва йирик биноларнинг ҳар бештадан битасининг устки қисми албатта, яшилликка бурканган бўлиши керак, деган талаб ўртага қўйилаяпти. АҚШда бу борада Чикаго шаҳри пешқадамлик қилаяпти. Ушбу шаҳарда, биринчи навбатда, янги қурилаётган, сўнгра эски уйлар томларига турли-туман ўсимликлар экилаяпти.

Ҳозирга қадар ўтказилган синов натижаларига қараганда, яшил томларда парвариш-лаш учун энг мақбул ўсимликлардан бири семизак ҳисобланади. Чунки у иссиққа ва захга чидамли бўлиб, секин ўсади ва баргларида намликни кўп тўплайди.

Энг муҳими, қандай ўсимлик экилишидан қатъи назар, юзаси йирик томларни қисман ёки тўлиқ кўкаламзорлаштириш фойдадан холи бўлмайди. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, тупроқ танлашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Иложи бўлса, табиий тупроқдан фойдаланмаган маъқул. Чунки у нисбатан оғир ва ёғингарчилик таъсирида зичлашиши тайин. Оқибатда унинг ўзида намликни сақлаш ва ўсимлик илдизига ҳавони етказиб бериш хусусияти камаяди. Шу боис оддий тупроқ ўрнига сунъий материаллар, жумладан, гил ёки гилсимон сланец, яъни куйдириб совитилган, органик аралашмалар ва ўғитлар билан бойитилган тоғ жинсларини ишлатиш ўринли бўлади.

Томларни кўкаламзорлаштиришда тупроқнинг қай тарзда, қандай қалинликда ва неча қават қилиб тўшалиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Борди-ю, унинг қалинлиги 75 миллиметр атрофида бўлса, намликка тўйинганда ва паст бўйли ўсимликлар экилганда ҳар квадрат метр юзага 70 килограммдан 120 килограммгача оғирлик тушиши мумкин. Тупроқ қалинлашса, бу вазн ўз-ўзидан ошади. Шу билан бирга, томда турли майсазор ва гулзорлар яратиш, буталар ва баланд бўйли дарахтлар ўстириш имконияти кенгаяди. Фақат бунинг учун кўпроқ маблағ сарфланади. Айни чоғда, ўсимликлар ривожланиб каттаргани, обиҳаёт ва ҳавога талаби ошгани сайин тупроқ қатламини мустаҳкамлаб боришга, қор-ёмғир сувларининг томда тўпланиб қолмай, махсус тарновлардан пастга оқиб тушишини таъминлашга тўғри келади.

Жонли томёпқичларни барпо этиш учун ҳар бирининг ҳажми бир квадрат метрга тенг, бир хил қалинликдаги тайёр модуллардан фойдаланиш мумкин. Улар бир-бирига уласа, томга қопланадиган ва устига тупроқ тўшаладиган яхлит шаклга келади. Ўта зич бириккани учун бинонинг усти қисми ёки хоналар шифтига сув сизишининг олдини олади.

Турган гапки, томларни кўкаламзорлаштиришнинг ўзига хос ташвиш-камчиликлари ҳам бор. Айтайлик, баъзи уйлар, айниқса, анча йиллар бурун қурилган иморатларнинг томлари етарли даражада мустаҳкам бўлмаслиги, демакки, яшил ёпқичлар оғирлигига дош беролмаслиги эҳтимолдан холи эмас. Лекин бу муаммони ижобий ҳал этиш, ҳар қандай томни бемалол қаҳва ичадиган, тушлик қиладиган, қуёшда тобланадиган, жилла қурса, тоза ҳаводан тўйиб нафас оладиган баҳаво ва хушманзара жойга айлантириш мумкин. Бунинг учун кучли иштиёқ ва ҳоҳиш бўлса, бас!

**Интернет материаллари асосида Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

## Огоҳлик зарурати



# Қимор қурбони

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Умар кундуз куни одам бўлмаслигини билгани учун қўшнисининг уйига орқа эшикдан кириб, пул сақланадиган сейфни оча бошлайди. Бироқ шу пайт кутилмаганда хонага қўшнисининг келини кириб келади. Унинг кўзи Умарга тушгач, ундан бу ерда нима қилаётганини сўрайди. Сири фош бўлганини сезган Умар ой-куни яқин бўлган келинчакка ташланади ва унга пичоқ санчади. Оғир жароҳат олган келинчак шу заҳотиёқ ҳаётдан кўз юмади.

Энг ёмони, унинг вужудидаги фарзанди ҳам ёвузлик қурбонига айланди. Шу тариқа бир иллат янада оғир оқибатли бошқа иллатларни келтириб чиқарди.

Инсон ўзига берилган ҳар бир имкониятни эзгулик ва яхшилик йўлида сарфлаганда, дунёда қабоҳатга ўрин қолмаган бўларди. Афсуски, баъзан амалда бунинг тескариси рўй беради. Оқибатда эса, оғир жиноятлар содир этилади.

Бирваракайига икки инсоннинг умрига зомин бўлган Умар ҳам умрини нопок ишларга сарфлади. Аввалига қимор ўйинига муккасидан кетди. Оқибатда қарзга ботди, бундан қутулиш учун эса, янада мудҳиш жиноятга қўл урди.

Суд эндигина 30 ёшни қаршилаган Умарга нисбатан 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қимор ўйинлари азалдан қораланган. Муқаддас ислом динида ҳам қимор ўйнаш ман этилган. Шу боис ёшларни қимордек жирканч ўйин гирдобига тушиб қолмаслиги учун барча бирдек курашиши зарур. Ана шундагина бундай иллатларнинг олди олинади.

**Акром АРИПОВ,**
*Олий суд бош консультанти*



*Жиноятга жазо муқаррар!*

# АНТИҚА фирибгарлик

## ёхуд сохта фолбин қилмиши

***Самарқандлик Маҳлиё Жонузоқова (исм-шарифлар ўзгартирилган) синглиси Сурайё билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, Миср давлатида яшовчи Шаҳноза Ғаниевани чув туширди. Қуйида ушбу фирибгарлик жинояти тафсилотлари баён этилади.***

Фолбинликни касб қилиб олган Сурайё содда ва ишонувчан, иродаси суст одамларни сеҳр-жоду сингари ирим-сиримларга ишонтириш орқали чув тушириб келарди. Кунлардан бирида у вақтинча Мисрда яшаб турган Шаҳноза билан танишиб қолади. Шундан сўнг улар ўртасидаги муносабатлар қуюқлашиб, Шаҳноза Сурайёни Мисрда ишлашга таклиф қилади.

Ўтган йилнинг март ойида Мисрга борган Сурайё Ш.Ғаниеванинг уйида яшай бошлайди. "Ўрганган кўнгил ўртасак қўймас" деганларидек, Сурайё бу ерда ҳам фолбинлик билан шуғулланади. Энг қизиғи, унинг тузоғига Шаҳноза ҳам илинади.

Гап шундаки, бу пайтда Сурайё Шаҳноза ҳақида анча маълумотларни билиб олган эди. Айниқса, оилали эркакнинг иккинчи хотини бўлиб яшаётган Шаҳнозанинг ўта кўнгилчан ва ишонувчанлиги Сурайё учун айни муддао эди.

— Ҳаётингиз анча таҳликали опажон, — дейди у бир куни Шаҳнозага қўрқув ва ташвиш оҳангида кўзларини олакула қилиб. — Кундошингиз сизни ўлдириш учун жуда кучли сеҳр-жоду қилган. Агар бу балони қайтармасангиз, тез орада ўласиз...

Табиийки, бу гапдан Шаҳнозанинг ҳуши бошидан учади ва Сурайёдан энди нима қилиши лозимлигини сўрайди.

— Сизга қилинган сеҳр-жодунинг кучини кесишга фақат Тиловмурод исмли домланинг кучи етади, — дейди Сурайё бамайлихотир. — Сиз харажатидан қочмасангиз бўлди...

Аслида бу Сурайёнинг олдиндан режалаштирган найранги бўлиб, Тиловмурод исмли домлани унинг ўзи ўйлаб топган эди. Сурайё ўзи йўқ Тиловмурод номидан иш кўриб, Шаҳнозани чув туширишни кўзлаган эди, холос.

Ваҳимали гапларни эшитгач, Шаҳноза сеҳр-жодудан халос бўлишга рози бўлади. Шундан сўнг Сурайё опаси Маҳлиёга қўнғироқ қилиб, унинг номига жўнатиладиган пул эвазига Шаҳнозани сеҳр-жодудан халос этишни илтимос қилади. Опа-сингилнинг олдиндан тил бириктирганидан бехабар Ш.Ғаниева М.Жонузоқованинг номига пул жўнатади. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Шаҳнозага Маҳлиёнинг телеграмм мессенджери орқали Тиловмурод домла номидан хат боради. Хатда сеҳр-жодуни йўқотиш учун бутун илмини ишга солаётгани ва бу тезда самара бериши ёзилган эди.

Аслида бу хатни Сурайёнинг ўзи ёзиб, опасига жўнатган эди. Ўз навбатида, Маҳлиё уни Тиловмурод домланинг номидан Ш.Ғаниевага юборганди. Хатни ўқигач, соддадил Шаҳноза Маҳлиёдан ҳам, Тиловмурод домладан ҳам, уйида яшаб, холис ёрдам кўрсатаётган Сурайёдан ҳам жуда миннатдор бўлади.

Аммо фирибгар опа-сингиллар бу билан кифояланишмайди. Сурайё опасига икки-уч бош қўйнинг расмини тушириб, телеграммдан Шаҳнозага ташлаб беришни буюради. Шаҳноза бунинг сабабини сўраганида, гўёки ана шу қўйларни бозордан сотиб олиб, Шаҳнозанинг ишлари юришиб кетиши учун қурбонлик қилгани, гўштини бева-бечораларга тарқатганини маълум қилади. Бундан хурсанд бўлган Шаҳноза Маҳлиёга яна пул жўнатади. Ишнинг силлиқ кечаётгани Сурайёни янада илҳомлантиради.

— Энди яна бир иш қиласиз, — дейди телефондан опасига. — Бу гал бўрининг териси билан тишларини топишингиз керак.

Маҳлиё суриштира-суриштира бўри терисини топади ва уни 150 АҚШ долларига сотиб олади. Маҳаллий лўлилар Маҳлиёга бўрининг тиши ва суягини ҳам топиб беришади. У уларни қабристонга олиб бориб кўмади ва бу жараённи видеотасвирга олиб, Ш.Ғаниевага жўнатади. Шаҳноза ушбу маросим учун М.Жонузоқовага бир минг уч юз АҚШ долларини жўнатиб юборади.

Шу тариқа опа-сингиллар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўтган йилнинг 12 апрелидан 23 май кунига қадар Ш.Ғаниевага тегишли 2 минг 350 АҚШ доллари миқдоридаги маблағни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган. Хайриятки, бундан ўз вақтида хабар топган Шаҳноза Ғаниеванинг қариндошлари унга фирибгарларга қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат этишни маслаҳат беришади. Шундан сўнг фирибгар опа-сингилларга нисбатан жиноят иши очилди. Сурайё Жонузоқова хорижда бўлганлиги сабабли жиноят ишининг унга тегишли қисми ажратилиб, алоҳида иш юритувига олинди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида ушбу жиноят иши кўриб чиқилди. Суд М.Жонузоқовани амалдаги Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми, "б" бандига асосан айбдор деб топди. Ш.Ғаниевага етказилган моддий зарар қопланганi ва унинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олиниб, М.Жонузоқовага муайян муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Алдаш ва фирибгарлик йўли билан бировнинг пулини ўзлаштирмоқчи бўлган опа-сингиллар қаттиқ адашишди. Зеро, бировнинг ҳақи ҳеч қачон бошқага буюрмаган.

**Зарифа АҲМЕДОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*


**Куч — адолатда**

**МУАССИС:** Ўзбекистон Республикаси Олий суди

**Бош муҳаррир:** Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

**Навбатчи муҳаррир:** Сардор ҲАМРОЕВ

**Саҳифаловчи:** Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-415 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6810
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $22^{00}$. Топширилди: $1^{55}$.